

ҚУШ ПАТИ МЕТАФОРАСИ (Қорақалпоқ халқ эртақлари мисолида)

Ш.М.Кунназарова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Таянч сўзлар: метафора, миллийлик, удумлар, магия, культ, метафорик маъно.

Ключевые слова: метафора, национальность, обычаи, магия, культ, метафорическое значение.

Key words: metaphor, nationality, customs, magic, cult, metaphorical meaning.

Кириш. Мустақиллик йилларида миллий кадриятларимизнинг қайта тикланиши халқимизнинг маънавий дунёсини ўзида акс эттирган она тилимизни ривожлантириш ва унинг жамиятда қўлланилиш даражасини янада кенгайтиришга олиб келди. Хусусан, “миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк кадрият миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли... миллат маънавиятининг пойдевори” [1] ҳисобланган она тилимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шулар қаторида қорақалпоқ халқининг бой миллий меросларидан бири халқ эртақлари тилидаги оламнинг лисоний манзараси, қорақалпоқ халқига хос объектив дунёни кўриш, сезиш ва қабул қилишдаги метафоризация ҳодисаси бугунги кунда тилшуносликнинг лингвокултурология соҳасидаги долзарб масалалардан биридир.

Лингвокултурологик тадқиқотлар доирасида юзага келган илмий қарашлар метафорани муайян халқнинг миллий, ўзига хос, специфик дунёқарашини акс эттирувчи зарур воситалардан бири сифатида ўрганишни тавсия этади. Метафора дунёга миллий қарашни акс эттирувчи воситалардан бири бўлиб, ушбу мақолада метафорани тушуниш ва борлиқни англашнинг специфик усули сифатида тадқиқ этиш асосий йўналиш этиб белгиланди. Метафора - тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, образлилик категорияси ҳам тил универсалиялари қаторига киради. У образлиликни ифодаловчи воситалардан бири сифатида барча тиллар ва барча даврларга хосдир. Метафорада тил мансуб бўлган миллий маданиятни бевосита акс эттирувчи экстралингвистик мазмун юзага келади.

Миллий маданий компонентни ўз ичига олган бирлик ҳисобланган метафоранинг бадиий асарларда берилиши ўша халқнинг дунёси, табиат манзарасининг алоҳида хусусиятларини белгилаб берадиган асосий тил унсурларидан бири ҳисобланади. Метафораларда халқнинг миллий психологияси, дунёни, борлиқни билиши, уни қабул қилиши, фикрлаш жараёнининг хизматини ҳам кўрсатади. Эртақлар тилида қўлланилган метафоралар қорақалпоқ халқининг миллий-маданий кадриятлари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Мавзуга онд адабиётларнинг таҳлили. Сеҳрли пат билан боғлиқ эпик мотивларнинг ўзбек халқ дostonларидаги бадиий талқинини тадқиқ этган Т.Мирзаев ва М.Жўраевларнинг ёзишича, «қуш патининг магия хусусияти билан боғлиқ халқ қарашларини ўзида мумкин бўлган эпик мотивларнинг тарихий илдиэлари анимистик тушунчаларга бориб тақалади. Аждодларимиз одам ёки қандайдир жонивор ўлганидан кейин, унинг руҳи танасининг маълум қисмларида сақланиб қолади деб ўйлаган. Ана шу қадимий тасаввурлар асосида яратилган аниматик мифларнинг архаик шакллари» Авестода ҳам ўз аксини топган. «Bahron» «Яшт»

бўлимида айтилишича, Варагн қуш ҳамда адолат, имон кўриқчиси, қаҳрамонлик ва омад тимсоли Варахраннинг иккитадан сеҳрли пати бор. Мана шу патлар билан баданини силаган хилқат қудратли ва омадли бўлади [3].

Хуллас, “ажойиб нарсалар”нинг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган фетишизм қадимги одам мифологик қарашларининг ўзига хос шакли бўлиб, унинг асосида муайян нарса-ҳодисаларни жонлантириб тасаввур қилиш, ёвуз кучларга қарши курашда турлитуман нарсалар, ҳайвон ва қушларнинг муайян тана аъзолари, мўйлови, пати, хуллас, фетишлардан фойдаланиш мумкинлигига ишониш анъанаси ётади. Мана шу мифологик ишончлар фетиш, яъни қадимги одамнинг назарида “сеҳрли нарса” сифатида тасаввур қилинган ҳар хил “ажойиб нарсаларнинг” пайдо бўлиши ва фольклор асарларидан кенг ўрин олишини таъминлаган [2]. Фольклор ва эртақларда қуш кўпинча қаҳрамонга йўл кўрсатувчи, маслаҳатчи, сирдош бўлади. Қуш ҳақиқатан ҳам инсоннинг ички туйғуси, руҳий овозининг бадиий ифодасидир.

Таҳлил ва натижалар. Қорақалпоқ халқ эртақларидаги фетишизм билан бевосита боғлиқ бўлган мифологик қарашлар асосида келиб чиққан сеҳрли нарсаларнинг бири “қуш пати” ҳисобланади. Шундай экан, соч ва мўйлов каби, эртақларимизда қушларнинг пати ва унга тегишли нарсалар сеҳрли хусусиятга эга бўлган сирли нарса сифатида тасвирланади. Халқимизда қуш пати билан боғлиқ кўплаб фетишистик қарашлар, этиқодлар мавжуд: кўк йўтал бўлган болага кўк қарғанинг патини сувга солиб ичириш, ёш болаларнинг бош кийимига қуш патини такиб кўйиш, уй остонасига қуш патини кўмиш, уйнинг хонадонига қуш кафанини осиб кўйиш каби ҳаракатлар ана шу фетишистик этиқодларнинг қолдиқларидир.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, қорақалпоқ халқи этиқодида ҳам қушларнинг пати билан боғлиқ фетишистик ҳаракатлар, қарашлар этнографик ва халқ оғзаки идодида сақланиб қолган. Шуларнинг бири халқимизнинг неча асрлик адабий меросининг бири халқ оғзаки эртақлари бўлиб, унда қуш пати билан боғлиқ метафораларнинг қўлланилганлигини кўрамыз.

“Сеҳрли пат”нинг сеҳрли характери “Ақлли келин” эртагида аниқ тасвирланган: ўз яқинлари томонидан хиёнатга учраган эртақ қаҳрамони кўзларидан айрилиб бўм-бўш даштда муҳтожликда қолади. У битта ўзи ёлғиз бир дарахтнинг остида бошига тушган мушқул ишни ўйлаб ётса дарахтга кўниб ўтирган икки қушнинг бир-бири билан суҳбатини эшитади. Улар дарахтнинг остидаги шу одам қуш пати орқали ўз кўзини қайта тиклай олиши ҳақида айтишади ва унга раҳми келиб ўз патидан юлиб бир пар бериб, тоғнинг тепасидаги булоқ сувига бориб кўзини ювиб жойига қўйгандан сўнг, пар билан бир ишқаласа кўзи қайтадан кўриб кетишини айтади. Қуш патининг сеҳрлилиги ва мўъжизалиги

шундаки, қахрамон бошига мушкул иш тушганда патдан фойдаланиб мушкулотдан қутулиши қуш патиға оид қадимги фетишистик қарашлар қолдиқлари билан бевосита боғлиқ.

Қуш пати билан боғлиқ мотивлар халқ эртаклари тилида кўплаб учрайди. Айрим ўринларда қуш пати эртак қахрамонининг қийинчиликларга дуч келишига сабабчи бўлса, айрим қахрамонларга ёрдам берганлигини эртак тилидаги мисоллар исботлайди. Масалан: Сенда бояги Семурғ қуш подшосининг сенга берган пати бор. Ўша патни қўлингга олиб, олов ёнаётганда ўтга тутиб ёндир. Унинг патини ўтга тутатсанг, семурғ қушлар подшоси тутун орасидан келиб пайдо бўлар. Сен унинг орқасига ёпиш. Сени у олиб учи кетар (Метин, 90-бет). Бу мисолда қуш патини ўтга тутантириш орқали уни чақириб, қахрамон ёрдам сўрайди, Семурғ қуш дўстини ўт ичидан омон олиб чиқади. «Олтин товук» эртагида эса, узум боғига келиб ҳар куни узум еб кетадиган Амир подшосининг олтин товугидан тушиб қолган икки пат эртак қахрамонининг бошига не бир ташвишларни солиши билан бирга, унинг ҳар хил ажойиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишига сабабчи бўлади. Сўнгидея Эсон олтин товукни қўлга киритиб мурод мақсадига етади.

Қадимги одамлар онгида ўлиб-тирилувчи табиат мавжудотлари ҳақидаги мифологик қарашлар ҳайвонларнинг суякларини, патларини бир жойга йиғиб кўмиш каби ҳаракатларида намоён бўлади. Эртак ва достонлардаги ҳайвонларнинг ёли, мўйлови, қушларнинг патини тутатиш орқали уларни ёрдамга чақириб, каби мотивлар юқорида айтилган қарашлар билан генетик жиҳатдан бевосита боғлиқдир.

Эртакларда фетишистик қарашларни ўзида акс эттирган ажойиб нарсалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг етакчи эпик вазифаси эртак қахрамониға ёрдам бериш, мушкулени асон қилиш, унга кўмаклашиш ҳисобланади. Пат билан боғлиқ урф-одатлар, иримларнинг келиб чиқишига пат култи билан боғлиқ мифологик қарашлар таъсир этган деган ҳулосаға келамиз. Бундай эътиқодларнинг излари

қорақалпоқ халқининг неча асрлик бадиий ижоди халқ эртаклари тилида кўплаб учрайди. Масалан: Семурғ қуш подшоҳни орқасига миндириб, жосуслар мамлакатига олиб боради. У подшоҳ билан хайрлашар вақтида унга бир тол патини бериб, “керак бўлсам тутатарсан” деб, ўз маконига учи кетади (Қуфрлик ва шукроналик, 176-бет).

Кўплаб эртакларда осмон ва ер ўртасидаги воситачи Семурғ қушидир. У баъзан одамларни бошқа дунёға, юқори дунёға кўтаради. Аммо уни чақириб осон эмас – бир нараса қилиш керак, бу унинг патларини қуйдириш. Бу чегарани бузиш, икки дунё ўртасидаги тинчликни бузиш, ёрдамға муҳтожлик белгиси ҳисобланади. Улар инсонлар билан алоқаға шу тариқа қилишиб, ўзларини одамлар қатори табиат мавжудотларининг бир тури эканлигини исботлаб, инсоннинг табиат билан алоқасини сақлаш, уни тушуниш ва ҳурмат қилишини эслатиб туради.

Хулоса ва таклифлар. Қуш - чексиз фазода парвоз қила оладиган ягона жонзот. У эркинлик ва руҳнинг юксаклиги тимсолидир. Қуш қаноти ўша эркинликнинг ифодасидир. Унинг патини оловда қуйдириш – бу маънавий дунё билан алоқаға қилишиб, ёрдам олиш учун жон-жаҳдингиз билан қурашиб, яъни пок ният билан мурожаат қилишдир. Қушлар табиатнинг ажралмас қисми. У осмонни ҳам, ерни ҳам кўради. Фалсафий нуқтаи назардан, қуш инсон ва коинот ўртасидаги руҳий кўприқдир. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, эртаклардаги қуш пати билан боғлиқ метафораларни таҳлил қилиш орқали биз патни оловға тутатиш нафақат эртакдаги бадиий усул, балки, инсон ва табиат ўртасидаги маънавий қилишув, муаммони ҳал қилиш учун қилинган таваққалчилик ва қурбонлик, ғайритабиий қучлар билан алоқа ўрнатиш белгисидир деб ҳисоблаймиз. Қуш патининг магик хусусиятлари билан боғлиқ урф-одатлар, иримларнинг келиб чиқишиға анимистик тушинчалар таъсир этган деган ҳулосаға келамиз. Бундай эътиқодларнинг излари қорақалпоқ халқининг неча асрлик бадиий ижоди халқ эртаклари тилида ўзига хос усулларда сақланиб қолган.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. / «Халқ сўзи». –Тошкент: 2019 йил 22 октябрь. №218 (7448). 1-2-б.
2. Жураев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртак. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2014.
3. Мирзаев Т., Жураев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди. // УТ. –Тошкент: 2001, №3. 23-б.
4. Қарақалпақ фольклори. Көп томлык. 67-76-томлар. – Нөкис: «Илим», 2014.

РЕЗЮМЕ. Мақолада халқ эртаклари тилида берилган қуш пати метафораси билан боғлиқ мисоллар таҳлил қилинди. Унда пат метафораси қорақалпоқ халқи миллий қадриятлари, удумлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиб, унинг илдизлари ҳақида ҳам гап боради.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются примеры метафоры птичьего пера в народных сказках. Рассматривается метафора птичьего пера в связи с национальными ценностями и традициями каракалпакского народа, обсуждаются её корни.

SUMMARY. The article analyzes examples of the bird feather metaphor in folk tales. It examines the feather metaphor in relation to the national values and traditions of the Karakalpak people, and discusses its roots